УДК 371.487

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

Ҳ.М. ЖЎРАБЕКОВА

Мақолада таълим тизимидаги ислоҳотлар даврида миллий тарбиянинг аҳамияти ҳақида фикр юритилган. Ҳар бир давлатнинг келажаги шу мамлакатда тарбияланаётган ёшларнинг билими ва тарбиясига боғлиқ. Миллий тарбия таълим ва тарбиянинг асосини ташкил қилиб, у таълим тизимининг ҳар бир босқичида олиб борилиши зарур. Ўрганиш ва билиш жараёнида инсоннинг билими ортиши билан бирга унинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳам ривожланади. Тарбия бериш жараёнида ўқитувчининг ахлоқий ва касбий обрўсининг аҳамияти ёритиб берилган.

Калит сўзлар: *ахлоқ, тарбия, жамият, ёшлар, замонавий дунё.*

В статье подчеркивается важность национального воспитания, так как будущее любой страны зависит от образования и воспитания молодежи, живущей в этой стране. Национальное образование - это основа образования, и оно должно осуществляться на всех этапах образовательной системы. В процессе обучения и познания не только возрастают знания человека, но и развиваются его духовные и нравственные качества. В воспитательном процессе имеют важное значение морально-профессиональная репутация и роль учителя.

Ключевые слова: *нравственность, воспитание, общество, молодёжь, современный мир.*

КИРИШ

Ҳар бир инсоннинг бутун ҳаёти давомида, хусусан, мактаб ва талабалик йилларида берилиши лозим бўлган таълимда маънавий-ахлоқий тамойилларнинг аҳамияти каттадир. Маълумки, ҳар бир давлатнинг келажакда қандай ривожланиши ўша давлатда бугунги кунда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ишлар натижасига боғлиқдир. Таълим-тарбия эса баркамол авлодни тарбиялаш борасида энг муҳим ва зарур омил ҳисобланади. Тўғри ташкил этилган таълим ва тарбия ёшларнинг одоб-ахлоқли бўлиб тарбияланишига жуда катта замин яратади.

Одоб-ахлоқ ҳақида фикр юритар эканмиз, бу масала тарихий илдизларга эга эканлигини, ҳар томонлама баркамол ва одоб-ахлоқли фарзандларни тарбиялаш масаласи нафақат бугунги куннинг, балки тарихий масалалардан бири эканлигини кўришимиз мумкин. Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал тўғрисида тушунча берувчи фалсафий фикрларни тарғиб этувчи жуда кўп тарихий манбаларда одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия муаммолари ёритилиб келинган.

Тарбия ва унинг инсон ҳаётидаги аҳамияти ҳақида жуда кўп асарлар яратилган, уни ўрганишга оид назарий мулоҳазалар билдирилган. Глобаллашув даврида, интернет ва юқори технологиялар асрида яшар эканмиз, инсонлар ҳаётида сунъий онгнинг таъсирини ва бу нарса ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим- тарбиясидаги аксини ҳар дақиқада ҳис этиб, кўриб-билиб турибмиз.

Албатта, интернет бизга жуда кўп яхши маълумотларни олишимизга ёрдам беради. Ундаги маълумотларнинг кўплиги, дунё маданияти манбаларининг мавжудлиги, бир вақтнинг ўзида ундаги янги маълумотлардан минглаб, миллионлаб инсонларнинг фойдаланиш имконияти жуда яхши ҳолат. Лекин, шу билан бирга, тақдим этилаётган маълумотларнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига таъсирини ҳам ҳисобга олиш, ёшлар тарбияси ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ жиҳатларга эга бўлаётганлигини эътиборга олиш – давр талабидир.

МАТЕРИАЛ ВА УСУЛЛАР

Мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар давомида қонун ва қонуности ҳужжатлар ўрганилди. Ушбу мақолада ёритилиши зарур деб ҳисобланган нашрлар текширилиб, мавзуга оид маълумотлар танланди. Мақолада таърифларнинг контекстуал таҳлили, таққослаш асосида тушунчаларни умумлаштириш ва конкретлаштириш усулларидан фойданилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Тарбия ҳақида гапирар эканмиз, бугунги кунда ёш авлодни нафақат ота-оналар ва ўқитувчи-педагоглар, балки оммавий ахборот воситалари ҳам тарбиялаб қўяётганлигини эътиборда тутиш лозим. Бугунги кун боласи тайёр маълумотлар унинг телефони ёки компьютерида мавжудлигини, нима учун у тайёр маълумотларни олиш имкониятига эга бўла туриб, яна алоҳида китоб ўқиши кераклиги ҳақида сизга савол бериши табиий. Афсуски, ишдан чарчаб келган ота-она ҳам ўз фарзандининг ортиқча саволларига жавоб бермаслик учун осонгина унинг қўлига мобиль телефон ёки планшетни тутқазиб, унга ёққан клип ёки бирор бир видеоўйинни қўйиб беришга одатланиб бораётганлиги ҳаёт тарзимизга айланиб бормоқда.

“IX–XII асрлар давомида Марказий Осиё жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғилоний, Замахшарий, Маҳмуд Кошғарий каби буюк олимларни тақдим этди. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан Марказий Осиё халқлари шуҳратини оламга ёйдилар. Мутафаккир олим, шоир ва диншуносларнинг асарларида таълим-тарбия ва ахлоқ-одобга оид педагогик фикрлар, инсонпарварлик, билимга эътиқод, халқ манфаатини ҳимоя қилиш, маънавиятини улуғлаш, комил инсон ва етук жамоага эришиш каби ғоялар ёритилди” [1. Б. 24].

Тасаввуф ва ирфоннинг етук назариётчиси бўлган мутафаккир Азизиддин ибн Муҳаммад ўзининг “Комил инсон баёни“ асарида шундай ёзади: “Билгилким, комил инсон деб шариат, тариқат ва ҳақиқатни тўлиқ эгаллаган одамни айтадилар. Агар бу иборани тушунмасанг, бошқача сўз билан айтай: билгилки, комил инсон шундай инсонки, унда тўрт сифат камолга етган бўлсин: эзгу сўз, эзгу амал (феъл), эзгу ахлоқ ва маориф” [2]

Шу ўринда, мустақиллик йилларида ёшлар тарбиясидаги эволюцион ўзгаришлар, янгиланишлар ҳамда бу борада амалга оширилиши лозим бўлган айрим вазифалар тўғрисида баъзи фикрларни баён этишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Жумладан, барчамизга маълумки, совет мустабид тузуми даврида миллий урф-одат, анъаналаримиз, қадриятларимиз, бошқача айтганда, тарбиядаги анъанавий – ўзбекона унсурлар катта талафот кўрди. Шакл жиҳатдан ўзбек, аммо мазмун жиҳатдан ўзбекчиликдан тобора узоқлаша

бошлаган эдик. Бу нарса миллий маданиятимиз, тафаккур тарзимиз, онгу шууримизда, хатти-ҳаракатларимизда, айниқса, яққол кўрина бошлаганди.

Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ёшларни миллий истиқлол ва одоб-ахлоқ ғоялари руҳида тарбиялаш вазифаларига доимий эътибор ортиб бормоқда. Барча тарбиявий ишлар самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатувчи ахлоқий тарбиялашнинг самарали воситаси бу – ёшларни ахлоқий тарбиялаш, уларни ахлоқ ва одоб асослари билан қуроллантиришдир. Ахлоқий билим асосларини ўзлаштириш замонавий ёшлар тарбиясининг ажралмас қисми, ривожланган жамиятда шахсни шакллантиришнинг зарурий шартидир. Замонавий дунёда ахлоқий тарбия муаммолари жуда долзарбдир. Замонавий умумий ўрта таълимнинг мазмунига этика асослари ҳақидаги билимларни киритмасдан туриб тўлақонли ахлоқий тарбияни тасаввур қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, ёшларнинг ахлоқий тарбияси мактаб деворлари ичида тугамаслиги керак, миллий тарбия олий ўқув юртларида ҳам давом этиши, ёшларга ахлоқий омилларни ўргатиш зарур.

Ривожланишнинг барча босқичида ёш авлодни тарбиялаш масаласи устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Қайсики жамиятда таълим-тарбия масаласи ўзибўларчиликка ташлаб қўйилса, унинг акс-садоси сифатида жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутиши табиий жараёнга айланади.

Шахс ва жамият мавжудлигини таъминловчи қадриятлар миллий тарбия орқали аждодлардан авлодларга аста-секин узатилади. “Миллий тарбия” атамаси кенг ва тор маънода ишлатилади. Кенг маънода инсон шахсини шакллантириш, унинг саноат ва ижтимоий, маданий ва маърифий ҳаётда фаол иштирокини таъминлашга қаратилган барча маънавий таъсирлар, ҳаракатлар ва интилишлар йиғиндисидир. Миллий тарбия, кенг маънода айтганда, нафақат оила, мактаб, болалар ва ёшлар ташкилотларида амалга оширилаётган тарбиявий ишлар, балки бутун ижтимоий тизим, унинг етакчи ғоялари, адабиёт, санъат, кино, радио, телевидение, оммавий ахборот воситалари фаолиятини ўз ичига олади. Тор маънода миллий тарбия дейилганда муайян шахснинг маънавий ривожланиши, дунёқараши, ахлоқий қиёфаси, эстетик дидини ривожлантиришга қаратилган педагогик фаолият тушунилади. Буни оила, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотлари амалга оширади.

Маълумки, тарбия таълим билан чамбарчас боғлиқ ҳолда мавжуд. Бунинг сабаби шундаки, ўрганиш ва билиш жараёнида инсоннинг нафақат билими ортади, балки унинг маънавий-ахлоқий сифатлари ҳам ривожланади. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида, бу ислоҳотларнинг салмоқли қисми таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардир. Сўнгги йилларда таълимнинг барча даражаларини замон талабларига мос равишда ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, таълим тизимидаги ислоҳотлар ва амалий чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда ташкил этилмоқда:

1) мактабгача таълим соҳасида;

2) умумий ўрта таълим ва ўрта махсус таълим соҳасида;

3) олий таълим соҳасида;

4) олий таълимдан кейинги таълим;

5) қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳасида.

Бугунги глобаллашув жараёнида болалар тарбиясида энг муҳим бўғин бўлган мактабгача таълим тизимининг жамиятимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бу соҳага эътибор мамлакатнинг келгуси тараққиёти учун мустаҳкам замин ярата-

ди. Бу борадаги ҳозирги ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида”ги Қонун ташкил этади. Ушбу қонунда мактабгача таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мактабгача таълимнинг давлат кафолатлари ва бошқа шу каби масалалар белгилаб берилган [3]. Бундан ташқари, мамлакатимизда илк бор Мактабгача таълим вазирлигининг ташкил этилиши бу борадаги асосий ислоҳотлардан бири бўлди, десак муболаға бўлмайди. Шунингдек, катта шаҳарларимиз, чекка ҳудудларимиз, қишлоқ ва овулларимизда янги замонавий болалар боғчалари қурилмоқда. Қисқа вақт ичида мамлакатда болалар боғчалари сони уч баравар кўпайди (5,200дан 14,200гача) ва болалар қамрови 28% дан 54% гача ошди. Сўнгги йилларда таълимнинг барча даражаларини замон талабларига мувофиқ ташкил этиш ва модернизация қилиш бўйича қатор фармон ва қарорлар қабул қилинди Хусусан, таълим тизимида қабул қилинган энг муҳим ҳужжатлардан бири “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг янги лойиҳасини қабул қилиш бўлди. Ушбу қонунга мувофиқ ўқитишнинг асосий тамойиллари, тизими, турлари ва шакллари аниқ белгилаб берилган [4]. Шунингдек, қонунга мувофиқ, Президент ёки ҳукумат қарори билан олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими давлат муассасалари ва уларнинг филиаллари, давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ташкилотлари ва уларнинг филиаллари ташкил этилади. Нодавлат таълим муассасаларини ташкил этиш уларнинг муассислари томонидан амалга оширилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Нодавлат таълим ташкилотларига лицензиялар Давлат таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан берилади.

2020 йилнинг 6 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим муассасаларида “Тарбия” фанини босқичма-босқич амалиётга жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 422-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, умумий ўрта таълим муассасаларида “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” ҳамда “Дунё динлари тарихи” фанларини бирлаштирган ҳолда ягона “Тарбия” фани 1–9-синфларда – 2020/2021 ўқув йилидан, 10–11-синфларда эса 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фанларга ажратилган умумий соатлар доирасида босқичма-босқич амалиётга жорий этилиши белгилаб қўйилди. 2020 йил июль ойидан бошлаб янги ўқув йили бошлангунга қадар умумтаълим мактабларидаги “Бошланғич таълим”, “Миллий ғоя ва ҳуқуқ”, “Тарих” ва “Диншунослик” мутахассислигига эга фан ўқитувчилари учун халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказларида “Тарбия” фанидан онлайн шаклда мақсадли малака ошириш курслари ташкил этилди. “Тарбия” фанидан дарсликлар ва ўқув мажмуаларини харид қилиш ва етказиб бериш харажатлари республика бюджети ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика мақсадли китоб жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади. Қарор билан умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари учун “Тарбия” фани концепцияси тасдиқланди [5].

Маълумки, умумтаълим мактаблари билим бериш билан биргаликда тарбия ҳамда маънавият маскани ҳамдир. Маънавият тарғиботчилари бўлган устозларнинг жамиятдаги мавқеини юксалтирмасдан, тарбиячиларнинг ўзларини юксак маънавиятли инсонлар қилмасдан туриб, улар тарбиялаётган шахсларнинг баркамоллигига эришиб бўлмайди, албатта. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилиб муҳокамага қўйилган “Ўқитувчи мақоми тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик томонидан ўрганиб чиқилди. Ушбу

қонуннинг қабул қилиниши ўқитувчининг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати қонун билан қўриқланишига олиб келади.

Бугунги кунда Учинчи ренессанс қуриш борасида зўр шижоат билан меҳнат қилаётган мамлакатимиз аҳли ўртасида ўқитувчи-мураббийлар фаолияти алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек, "...таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим.

Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади.

Шу мақсадда "Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади", деган ғоя асосида кенг кўламли ислоҳотларни амалга оширамиз" [6].

Юртимизда таълим тизимини замонавийлаштириш ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда замон билан ҳамнафас ривожланиб бориш давр талабидир.

Мамлакат таълим тизимини модернизация қилиш концепцияси ёш авлодни миллий қадриятлар ва умуминсоний анъаналар асосида тарбиялашнинг муҳимлигини таъкидлайди ва бу тарбия тарбияланувчиларнинг ижтимоий келиб чиқиши, дини, миллати ва мавқеидан қатъий назар, барча ёшларни қамраб олади. Шахс маънавиятини ривожлантиришга давримизнинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири сифатида сўнгги йилларда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва ЮНЕСКО ҳужжатларида ҳам кўп аҳамият берилмоқда. Жамиятда тинчлик ва тотувлик ғояларини тарғиб қилиш, инсонлар ўртасида ўзаро ҳурмат қилиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинлиги, қадр-қиммати ва инсоннинг тўлақонли ривожланиши мақсадларига содиқлиги жаҳон ҳамжамияти томонидан аҳамият берилаёт-ган муҳим муаммоларга айланиб қолди. Шундай қилиб, ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш замонавий таълим тизимининг асосий вазифаси бўлиб, таълим учун ижтимоий буюртманинг муҳим таркибий қисмидир.

Илмий-педагогик изланишларда олимлар инсоннинг олимлар инсоннинг экзистенциал муаммоларига тобора кўпроқ эътибор қаратмоқдалар. Экзистенция сўзи лотин тилида сўзма-сўз олганда, "мавжудлик" деган маънони англатади. Мана шу мавжудликнинг ўзи эса экзистенциализмда субъект билан объектнинг бевосита бирикиб, бирлашиб кетиши тарзида тушунилади. Бунда субъектнинг бошқалар учун очиқлиги, ўзгаларнинг у учун очиқлиги, уларнинг бир-бирига ўтиши, бу жараённинг бир бутунлиги мавжудлик моҳиятини ташкил этади [7]. Бу табиий равишда уларни ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммоларига олиб келади.

Маънавият, тараққиётнинг манбалари, механизмлари ва босқичларини тушунишда турли хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, тадқиқотларнинг аксариятига маънавият ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, унга инсоннинг ўзи устида ишлаш жараёнида эришилади, деган ғоя хосдир. Агар ўқитувчининг ўқувчи маънавиятни юксалтириш ва бола тарбиясидаги ролини ўрганиб чиқадиган бўлсак, бу борада унинг шахс сифатидаги ўрни ғоят муҳим эканлигини кўришимиз мумкин. Чунки мактабда ҳам, олий таълим муассасасида ҳам ёшларни баркамол шахс бўлиб тарбияланишларида ўқитувчининг шахсий намунаси жуда катта аҳамиятга эгадир. Ўқитувчининг бола тарбиясидаги роли, унинг ахлоқий ва касбий обрўси мамлакатнинг маънавий-ахлоқий масъулиятли, та-

шаббускор ва ваколатли фуқаросини тарбиялашда жуда муҳимдир.

Бугунги кунда ўқитувчи нафақат таълим ютуқлари учун, балки ёшларнинг ахлоқий ва фуқаролик тарбияси учун ҳам ўз зиммасига масъулиятни олган, таълим жараёнини инсонпарварлаштирган ва шу билан бирга бутун инсоният маънавий-маданий, миллий тарбиясини уйғунлаштира олган, авлодларга халқ донолигини етказа олишга тайёр бўлган ҳолда ижтимоий ҳақиқатни ўзгартира оладиган шахс бўлиши зарур.

Замонавий жамият эҳтиёжлари нафақат юқори сифатли таълим, балки замонавий дунёда содир бўлаётган жараёнларга мослаша оладиган, маънавий жиҳатдан бой, юксак ахлоқли инсонни тарбиялаш вазифаларини ҳам қўяди. Тарбия – бу ўқувчини шахс, фуқаро сифатида ривожлантириш, жамиятнинг қадриятлари, ахлоқий муносабатлари ва ахлоқий меъёрларини ўзлаштириш ва қабул қилишнинг педагогик жиҳатдан ташкил этилган, мақсадга мувофиқ жараёнидир. Ушбу қадриятларнинг ташувчилари – жаҳон ҳамжамияти, мамлакатимизнинг кўп миллатли халқи, давлат, турли жамоалар ва бирлашмалар, маҳаллалар ва оилалардир.

Маънавий-ахлоқий тарбия мамлакат таълим-тарбия тизимида амалга ошириладиган жараённинг ажралмас қисмидир. Юртимизда амалга оширилаётган тарбия жараёни, асосан, инсоннинг маънавиятини ривожлантириш, унда меҳр, муҳаббат, бошқа одамларга нисбатан ҳурмат, раҳм-шафқат ва ҳамдардлик туйғуларини тарбиялашга қаратилгандир. Тарбия шахс, жамият ва давлат манфаатларига жавоб берадиган таълимнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Таълим шахснинг ривожланиши ва шаклланишига, унинг барча маънавий ва жисмоний кучларига, қобилиятларига ҳисса қўшиши, умумбашарий инсоний қадриятларни ҳаётнинг устувор йўналиши сифатида тан олишга асосланган ҳолда барчани янги дунёқарашга етаклаши керак. Бугунги кунда “таълим”, “ўқитиш” ва “тарбия” тушунчалари бир-бирига боғлиқ ажралмас жараён сифатида тушунилмоқда.

Дарҳақиқат, ёшларга тўғри таълим бермасдан самарали ўқув жараёнига эришиб бўлмайди. Шунинг учун ўқув жараёни табиий равишда таълим ва тарбия вазифаларининг бирлигини назарда тутади.

Умумий таълим муассасалари ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан бирга, ёшларнинг қобилиятларини, истеъдодларини очиб бериши, уларни юқори технология асрининг рақобатли ҳаётига тайёрлаши керак. Шу билан бирга, таълим муассасалари ўқувчиларнинг оилалари, ижтимоийлашувнинг бошқа субъектлари билан миллий анъаналарга таяниб, доимий равишда ўзаро алоқада бўлиши ва ҳамкорлик қилиши зарур. Бугунги кунда замонавий маданият фақат бир тармоқнигина маданияти бўлмай, балки интеграция белгиси остида ва инсоният маданиятини шакллантиришга йўналтирилган ихтисослаштирилган иерархик билимлар, таълимнинг янги тамойиллари ва тузилиши остида ривожланиб бормоқда.

Шахснинг маънавий маданияти педагогик тадқиқот муаммоси сифатида швед педагоги Песталоцци асарларида ўз аксини топган. У ўқитувчиларнинг ўзаро таъсири ўқув жараёнини яхлит илмий асосланган тизимга айлантиришга олиб келиши керак, деб ҳисоблаган ва бошланғич таълим назариясига асос солиб, педагогикани психология билан, таълимни тарбия ва ривожланиш билан боғлиқликда ўрганилишини бошлаб берган. Бундай ўзаро алоқадорлик шакли кундалик таълим-тарбия жараёнида ўз аксини топади.

“Педагогик жараён фақат тарбия таълимдан олдинда юрсагина шунда яхши бўлади. Чунки тарбия ёрдамида ҳаракатга келган руҳий кучлар ўқувчи шахсини ривожлантириши ва шахс сифатида шаклла-

нишига таъсир қилувчи билимни керакли озуқа сифатида шимиб олади”, деб ёзади машҳур педагог Ш.Амонашвили [8].

Тадқиқотчи Б.Рўзиевнинг таъкидлашича, ҳар қандай тадқиқот, айниқса, инновацион фаолият муайян моддий-техник базани талаб қилади. Инновацион ғоянинг инновацион маҳсулотга айланиши учун хом ашё, турли материаллар, асбоб-ускуналар, тажриба конструкторлик қурилмалари ва бошқа моддий бойликлар талаб қилинади [9]. Бироқ бугунги кунда таълим тизимини ислоҳ қилиш муаммолари педагог кадрлар салоҳияти билан ҳам боғлиқдир. Тадқиқот ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, замонавий ўқитувчининг касбий компетентлиги жадал ривожланаётган ўқув жараёни талабларидан орқада қолмоқда. Бу ҳолат узлуксиз таълим жараёнида ўқитувчи тарбиясини ривожлантириш ва ўқитувчи тарбиясини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблигини кўрсатади. Яна бир олим Б.Абдуллаеванинг фикрига кўра, “муҳим ва долзарб вазифаларни амалга ошириш ва таълим жараёнига янгича ёндашув юзасидан фикр шакллантириш учун ўқитувчи қуйидаги сифатларга эга бўлиши лозим: замонавий илмий, маданий, инновацион ва инновацион ривожланиш моҳиятини чуқур англаш, технологик ривожланиш; дунё ва шахс, билимлар тизими ҳақида чуқур ва кенг тушунчага эга бўлиш; таълим жараёнида ўқитишнинг компьютер ва бошқа техник воситаларидан фойдаланиш; интернетни тушуниш ва ахборот технологиялари мазмунини чуқур таҳлил қила олиш; педагогик иш самарадорлигини таҳлил қилиш усулларини билиш; миллий маданият ва қадриятлар, миллий ғоя ва миллий мафкура ҳамда иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотларнинг моҳиятини тўлиқ англаши” [10. Б. 5].

ХУЛОСАЛАР

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, бугунги кунда мамлакатимиз таълим тизимида ҳар томонлама баркамол, юксак ахлоқий ва маънавий сифатларни ўзида мужассам қилган шахсга миллий тарбия бериш борасида сезиларли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Ҳар бир боланинг дунёқарашини шакллантиришда катталарнинг обрўси, уларнинг бир-бирлари билан ўзаро мулоқоти ва ҳамкорлиги катта роль ўйнайди. Ота-оналар ва педагог-мураббийларнинг бола тарбиясидаги ҳамкорлиги жуда муҳимдир. Агар мактабдаги ва уйдаги талаблар бирлашмас экан, бу ҳолда ўсиб келаётган бола қийин вазиятга тушиб қолишига, натижада у ўзига қулай танловни амалга оширишга мажбур бўлишига олиб келади. Ўзаро ҳамкорликда таълим-тарбиянинг самарали воситаларидан фойдаланиш бевосита келажакда муносиб шахсларни тарбиялаб вояга етказиш имкониятини беради.

Албатта, йиллар давомида тарбия ва таълим соҳасида тўпланиб қолган муаммоларнинг тезда ҳал этилиши осон масала эмас. Бунинг учун белгиланган вазифалар доирасида тарбия бериш борасидаги муаммоларни ўз вақтида ва тўғри аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ёшлар ўртасида ахлоқий билим асосларини ривожлантириш замонавий дунёқарашни шакллантириш билан бир қаторда қўйилган муҳим вазифалардан биридир. Бунинг учун уларни тарбиялаётган инсоннинг ўзи умумий ҳамда касбий ахлоқ назарияси ва амалиётидан зарур билим, кўникмаларга эга бўлиши, уларни тарбия бериш жараёнида қўллай олиши керак. Умуминсоний қадриятлар ва миллий мезонларга амал қилган ҳолда ўзининг тарбиявий фаолиятини олиб борган ҳар қандай тарбиячи эса, албатта, ёшларнинг ҳақиқий мураббийи ва устозига айланади.

Адабиётлар:

1. *Зуннунов А.* Педагогика назарияси. – Тошкент: Алоқачи, 2006. – 24 б. [Интернет манба]. URL: https://n.ziyouz.com/books/kollej_va_otm_darsliklari/ pedagogika/Pedagogika%20 nazariyasi%20(Asqar%20Zunnunov). (Мурожаат этилган сана: 20.01.2021)

2. *Aziziddin-Nasafiy.* "Insoni komil" ("Komil inson"). [Internet manba]. URL: https://jahonadabiyoti.uz/2019/06/03/азизиддин-насафий-комил-инсон-китоби/ (Мурожаат этилган сана: 16.01.2021)

3. "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонун. 16.12.2019. [Интернет манба]. URL: https: //lex.uz/ru/docs/4646931. (Мурожаат этилган сана: 04.02.2021)

4. "Таълим тўғрисида"ги Қонун. 23.09.2020. [Интернет манба]. URL: https: //lex.uz/ru/ docs/5013009. (Мурожаат этилган сана: 01.03.2021)

5. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori "Umumiy o'rta ta'lim muassasalarida "Tarbiya" fanini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish chora-tadbirlari" to'g'risida. 422 – son. 06.07.2020. [Internet manba]. URL: https://lex.uz/docs/-4885018 (Мурожаат этилган сана: 09.02.2021)

6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 29.12.2020. [Интернет манба]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/4057). (Мурожаат этилган сана: 12.02.2021)

7. *Пардаев С.* Экзистенциализм фалсафасида инсон омилининг ўрни // Молодой ученый, 2019. – № 30 (268). – С. 151–153. – URL: https://moluch.ru/archive/268/61821/

8. *Гагарина К.Е.* Роль учителя в духовно-нравственном воспитании подрастающего поколения / К.Е. Гагарина. –Текст : непосредственный // Молодой ученый, 2011. – № 3 (26). – Т. 2. – С. 110–115. – URL: https://moluch.ru/archive/26/2776/

9. *Рўзиев Б.С.* Олий таълим тизимида инновацион салоҳиятни ошириш. // Халқаро молия ва бухгалтерия ҳисоби, 2017. – № 3. – Б. 1–8.

10. *Абдуллаева Б.С.* Олий таълим тизимида замонавий таълим технологиялари ва педагогнинг инновацион фаолияти. "Замонавий узлуксиз таълим муаммолари: инновация ва истиқболлар" / Халқаро илмий конференция материаллари тўплами. – Тошкент: 2018. – Б. 4–11.

REFORMS IN THE SYSTEM OF EDUCATION AND THE ISSUES OF NATIONAL EDUCATION

X.M. ZHURABEKOVA[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Pedagogik tadqiqotlar – Scientific bulletin. Series: Pedagogical Research. 2021. 2(54). 14-23.

[1] Andijan machine building institute, Andijan, 170119, str. Bobur Shokh, 56 (Uzbekistan). E-mail: info@andmiedu.uz

Keywords: morality, upbringing, society, youth, the modern world.

In the article, the author emphasizes the importance of national upbringing, since the future of any country depends on the education and upbringing of young people

living in the country. National education is the foundation of education, and it must be carried out at all stages of the educational system. In the process of learning and cognition, not only a person's knowledge increases, but also his spiritual and moral qualities develop.

The modernization of the education system in our country and the development of the younger generation in step with the times is a requirement of the times.

The concept of modernizing the education system emphasizes the importance of teaching the younger generation on the basis of national values and common traditions, and this education covers all young people, regardless of the social status. The development of personal spirit is one of the most important and urgent problems of our time, and in recent years it has been given great attention in the documents of the UN and UNESCO.

Promoting the ideas of peace and harmony in society, paying close attention to issues of mutual respect between people, human rights and freedoms, dignity and commitment to the goals of full-fledged human development have become important issues of concern to the world community.

Today, in the education system of our country, serious reforms are taking place in the field of public education of a versatile person with high moral and spiritual qualities. Of course, solving the problems that have been accumulated over the years in the field of education is not an easy task. For this, it is important to timely identify problems in the context of the tasks set.

An effective learning process cannot be achieved without proper education of young people. Thus, the learning process naturally implies the unity of educational and upbringing tasks. General educational institutions, in addition to educating citizens in the spirit of patriotism, should reveal the abilities and talents of young people, prepare them for a competitive life in the era of high technologies. At the same time, educational institutions need to constantly interact and cooperate with families of students, other subjects of socialization, based on national traditions. Today, modern culture is developing not only as a network culture, but also under the sign of integration and specialized hierarchical knowledge, new principles and structures of education aimed at shaping the culture of humanity.

The development of the foundations of moral knowledge among young people is a modern requirement, as well as the formation of the foundations of a scientific worldview. For this, the teacher must know the theory of general and professional ethics and be able to apply it in practice.

Knowing and following ethical laws and norms, universal rules and criteria, the teacher becomes a real and professional educator and teacher.

References:

1. Zunnunov, A. (2006). Pedagogika nazariyasi [Theory of pedagogy]. In Tashkent. "Aloqachi". [Online]. URL: https://n.ziyouz.com/books/ kollej_va_otm_darsliklari/pedagogika/ Pedagogika%20nazariyasi%20(Asqar%20Zunnunov).pdf. P.24. (Date of access: 20.01.2021)

2. Aziziddin-Nasafiy. (2019) "Komil inson". ("Insoni komil") ["Perfect man"]. [Online]. URL: https://jahonadabiyoti.uz/2019/06/03/азизиддин-насафий-комил-инсон-китоби/. (Date of access: 16.01.2021)

3. "Мактабгача ta'lim va tarbiya to'g'risida"gi Qonun. (2019) [Pre-school Education Act]. In Tashkent. [Online]. URL: https: //lex.uz/ru/docs/4646931. (Date of access: 04.02.2021)

4. “Ta’lim to‘g‘risida”gi Qonun. (2020) [Education Act]. [Online]. URL: https: //lex.uz/ru/docs/5013009. (Date of access: 01.03.2021)

5. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarori “Umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida “Tarbiya” fanini bosqichma-bosqich amaliyotga joriy etish chora-tadbirlari” to‘g‘risida. 422 – son. 06.07.2020. [Online]. URL: https://lex.uz/docs/-4885018 (Date of access.: 09.02.2021)

6. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi (2020).[From the Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev to the Oliy Majlis]. [Online]. URL: https://president.uz/uz/lists/view/4057). (Date of access: 12.02.2021)

7. Pardaev, S. (2019). Ekzistensializm falsafasida inson omilining o‘rni [The role of the human factor in the philosophy of existentialism]. In Kazan // Molodoy uchoniy. № 30 (268). URL: https://moluch.ru/archive/268/61821/. Pp. 151-153.

8. Gagarina, K. E. (2011) Rol uchitelya v duxovno-nravstvennom vospitanii podrastayushego pokoleniya [The role of the Teacher in the spiritual and moral education of the younger generation]. In Kazan // Molodoy uchoniy. № 3 (26). URL: https://moluch.ru/archive/26/2776/ Pp. 110-115.

9. Ro‘ziev, B.S. (2017) Oliy ta’lim tizimida innovatsion salohiyatni oshirish [Capacity building for innovation in higher education]. “Xalqaro moliya va buxgalteriya hisobi” ilmiy jurnal. No 3. Pp.1-8.

10. Abdullaeva, B.S. (2018). Oliy ta’lim tizimida zamonaviy ta’lim texnologoyalari va pedagogning innovatsion faoliyati [Modern educational technologies and innovative activity of the teacher in the system of higher education]. In Tashkent. “Zamonaviy uzluksiz ta’lim muammolari: innovatsiya va istiqbollar”/ Xalqaro ilmiy konferensiya materiallari [Proceedings of the International Scientific Conference «Modern Problems of Continuous Education: Innovation and Prospects»]. Pp. 4-11.

Муаллиф ҳақида маълумот:

ЖЎРАБЕКОВА Ҳабиба Мадаминовна – сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Андижон машинасозлик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири. E-mail: tj2211@inbox.ru